



Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан



1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги тарихий қонуннинг 6-моддасига биноан давлатимиз, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлди.



AJDODLARIMIZ AN'ANALARIGA SODIQ BO'LAMIZ



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган харбий қисмлар ва харбий ўқув муассасалари тўғрисида» Қарори қабул қилди.

- Республика тасарруфига олинган ҳарбий тузилмаларга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 февралдаги Фармониغا биноан Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига юклатилди.

- 1992 йил 18 майдан эътиборан эса Ҳаво десанти қўшинлари, Ҳарбий транспорт авиацияси, Разведка қўшинлари, Таъминот қисмлари, 12 ноябрдан Ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар, 13 ноябрдан эса Кимёвий ҳарбий қисмлар давлатимиз тасарруфига олинди.

- 1992 йил 1-июлда Туркистон ҳарбий округи тугатилди. 1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигини қайта тузиш тўғрисида”ги Фармони тасдиқлади.




Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги «Ватан химоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга биноан 14 январь Ватан химоячилари куни, деб эълон қилинди.









**Қуролли Кучларимиз
сон жihatдан унча катта
бўлмаган, замонавий қурол-
яроғ ва техника билан
қуролланган, жанговар
харакатлар олиб боришнинг
энг самарали усуларини
эгаллаган армияга айланди .**





Ватан химоячиларининг профессионал даражаси, ахлоқий-рухий сифатлари, жисмоний тайёргарлиги ва мустаҳкам интизоми ётади. Демак бу ўз-ўзидан харбий кадрлар тайёрлаш масаласини ўртага қўяди. Юртимиздаги мавжуд олий харбий билим юртларимизда хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрларни тайёрлаш тизими барпо қилингани бу муаммони ечишга қаратилади.






Миллий армиямизни ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва жанговор такомиллаштириш борасида мамлакатимизда кўлами жихатидан улкан ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган бундайин муҳим ўзгариш ва янгиланишлар харбий хизмат обрўсини, нуфузини оширди ҳамда армия ва халқ якдиллигини мустаҳкамлади.



Армиямизда ёшларнинг
нафақат харбий
мутахассисликни эгаллашлари
ва жисмоний жихатдан
тобланишлари учун, балки
баркамол ривожланишлари
учун ҳам барча зарур шароитлар
яратилган.





Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-
моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя
қилиш-Ўзбекистон Республикаси ҳар бир
фуқаросининг бурчидир” деб мустаҳкамлаб
берилди.

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддаси: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 126-моддаси:

“Ўзбекистон Республикаси ўз
хавфсизлигини таъминлаш учун етарли
даражада Қуролли Кучларига эга.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 3-чи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий Доктринаси” қабул қилинди.

- Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2000 йил 7 февралда ўз Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий Доктринаси”ни “Мудофаа Доктринаси”га айлантирилди ва миллий хавфсизлик кенгаши томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалда оширалаётган ислохотларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йил 12 декабрда 2-чақирик 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тарзида қабул қилди.

Қонунга асосан Ўзбекистон Қуроли Кучларида ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган:

- -муддатли ҳарбий хизмат;
- -сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- -контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- -Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

- -муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун - ўн икки ой (олий малумотли шахслар учун - тўққиз ой);
- -муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун - тўққиз ой қилиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2003 йил 24 мартдаги буйруғи билан ёшларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олиш йўлга қўйилди. Бундан мақсад Қуролли Кучларимизга жисмонан соғлом ва руҳан етук ёшларни танлаб олишдир.



ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ